

Куч—адолатда



АДОЛАТ



Ўзбекистон «Адолат» СДП газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 29 январь, № 4 (197) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Мухаррирнома

САМОДА, ЕРДА, ҚАЎБЛАРИМИЗДА...

Ўзбекистонимиз ўзига мустақил бўлиб олганидан бери унча кўп вақт ўтмаганлигига қарамасдан, унинг солномаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишга аргизулик саналар жуда кўп. Шу йилнинг 26 январни ҳам улардан ўзига хос ўрин эгаллайди. Зотан ушбу кунда Ўзбекистоннинг ўз ҳаво куши — «Ил 114-100» йўловчи самолёти илк бор ҳавога кўтарилди. Шу кунни ушбу қутлуғ сана муносабати билан юртимизга ташриф буюрган «Ильошин» авиасозлик компанияси, халқаро авиация кўмитаси ҳамда Канада авиасозлик компанияси раҳбарлари билан Президентимиз иштирокида бўлган учрашувда мазкур замонавий самолётнинг келажаги порлоқ эканлиги, у нафақат МДХ давлатлари, балки хорижий давлатлар томонидан ҳам қўллаб-қўллаб олиниши ҳақида муфассал гапирилди. Айтиш лозимики, учрашув чоғида юртимиз раҳбарининг юзидан нур ёғилиб турарди...



Уша кунни кечкурун ойнаи жаҳон орқали берилган «Ахборот» курсатувида эса телевидение шарҳловчиси Асакадаги «УЗ-ДЭУ» автомобил заводи уз ишлаб чиқариш курсатқичларини ўтган йил аввалги йилдаги нисбатан деярли икки баробардан кўпайтирилган, завод конвейерларида кунига 320-350 та «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари тап-тайёр ҳолда узатилаётгани ҳақида айтиб ўтди. Бу давлатимиз шухрати, обрўси, нуфузи самодда ҳам, ерда ҳам уз уринини, уз қадр-қимматини топаётганининг ёрқин далилидир.

...Буюклардан бирига «Бахт нима» деб савол берганларида у жуда содда ва лунда жавоб берган экан: «Бахт бу бахтсизликнинг йўқлиғидир». Шу жиҳатдан олиб қараганда биз ўзимизни бахти кулиб боққанлар тоифасига бемалол қўшимизимиз мумкин. Зеро истиқлолимиз бизга бахт чамасинини кўзини очиб берди. «Бахт нима» деб савол берганларида у жуда содда ва лунда жавоб берган экан: «Бахт бу бахтсизликнинг йўқлиғидир». Шу жиҳатдан олиб қараганда биз ўзимизни бахти кулиб боққанлар тоифасига бемалол қўшимизимиз мумкин. Зеро истиқлолимиз бизга бахт чамасинини кўзини очиб берди.

Мен-ку ўйламанман ўзимни бу кун, Хар калай, эл билан ўлмаган жонман. Каттол аср халқ топмасдан яқун Озод бўла олган Ўзбекистоним.

Хозир баъзи бировларда «Биз уз мустақиллигимизни қон тукимлай, жуда осонликча қўлга киритдик» деган саробий бир кайфият ҳукмонди. Тугри, қон тукимлайди, биз жангу жадалларни бошдан кечирмадик. Лекин мустақиллигимиз уша тоифа одамлар ўйлаганлари каби бизга осмондан тушиб қолгани йўқ. У жуда катта жасорат, донолик, зийраклик тўғрисида қўлга киритилди, таъбир жоиз бўлса ишғол этилди, забт қилинди.

Хар бир карвоннинг уз сарбони, хар бир кеманинг уз даргаси булади. Карвоннинг манзилга бехатар етиб олиши, кеманинг эса қўзғалган жойига соғ-омон сузиб келиши уша сарбон ва дарганинг ақл-идрокига, тадбиркорлиги, омиқкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ердаги жамики гўл нарсалар офтобдан бўлгани каби, халқнинг ҳаёт фаровонлиги, тақдирининг бекаму кўст тўқинлиги унинг сардоридандир. Минг шўқлар бўлсинки, асрлар давомида қўтилган, орзу қилинган мустақиллигимизни қўлга киритишимиз жараёнида толе бизга худди ана шундай серқобилият, сермулоқад, етти улчаб бир ке-садиган, дусту ганималарнинг куз ўнгида уз обрўси, уз салоҳияти, уз нуфузи бўлган раҳбарни раво кўрди.

Ўзбегим, муносиб посбонларинг бор, Сарҳадларда пўлат қалқонларинг бор. Сен улуг Темирнинг зурбидирсан, Мангуберди каби ўқлонларинг бор. Шойримиз санаб ўтган уша буюк зотлар рўйхатида қадри қадри карвонимиз ва

Тўхтамурад ТОШЕВ.

Шахс ва сиёсат

ИСТИҚЛОЛНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ

Фарбдаги ва Америка Қўшма Штатларидаги матбуот саҳифаларида Ўзбекистон Президенти Исрол Каримовнинг асарларини Нобель мукофотида лойиқ деб баҳоламоқдалар

Ватан деб аталмиш бу кўҳна заминда, уйғониш даврининг уч босқичини бошидан кечирган уйғоқ халқимиз, аждодларимиз асрлар давомида орзу қилиб келган буюк ноъмат — Мустақилликка муяссар бўлдилар. Мустақилликка эришиш ўзбек халқи учун XX асрнинг охиридаги катта тарихий воқеа эди. Бу мустақиллик Ўзбекистонга тарихнинг қонуниятими, табиатнинг эҳсоними ёки Оллохнинг марҳаматими Исрол Каримовни Президент қилиб етказди.

Исрол Каримов Президентлик салтанатига, сиёсат майдонига тарихий шахс сифатида кириб келган экан, унинг олдида жуда катта вазифалар: мамлакатни ислоҳ қилиш, эски жамяят ўрнида янги ҳуқуқий, демократик жамяят қуриш, иқтисодий тараққиёт йўлини белгилаш, янги давлат тизими пойдеворини қуриш каби буюк масъулият турар эди. Исрол Каримов ишга киришар экан, хар бир муаммога вазминлик, босиқлик ва доноларча ёндошиб ҳал қилар эди. Унинг тадбиркорлик ва сезгирлик билан доноларча иш юритиши, халқни уз орқасидан эргаштириб, янги тузумга олиб боришда ташаббускорлик, ўзига қатъий ишонч сезилиб туради.

Исрол Каримов ишлаб берган мамлакат тараққиётининг беш тамойили, бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинди, чет эл матбуоти саҳифаларида «Ўзбек модели» деган термин тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. У хар бир ёзган асариде эртанги кунга катта оптимистик ишонч билан қарайди. Олим сифатида ҳам кенг мушоҳадага эгаллиги маърузаларида сезилиб туради.

Унинг дастлабки ёзган асарларидан бири «Ўзбекистон келажакда буюк давлат» асаридир. У Ўзбекистон келажакда буюк давлат эканлигини баралла айтди. Ҳа, халққатдан ҳам унинг илмий гипотезаси жуда тугри. Қадимги бир ривоятда айтилишича — дунё бўйлаб фаришталар осмондан ерга тупроқ селип юрган экан. Ўзбекистон заминига келганда тупроқ тамом бўлиб қолди. Фаришталар Оллоҳга мурожаат қилибдилар, яратган Егам бу улкага жаннат тупроғидан олиб чиқиб, сепиллар деб амир қилибди. Шундан кейин Ўзбекистонга жаннат тупроғи сепилган экан. Шунинг учун ҳам юртимизни жаннатмакон ул-

ка дейилиши ҳам шу сабабдан бўлса керак. Ўзбекистоннинг хар бир сиким тупроғида, олтин захиралари мавжуд. Шу сабабдан бу ватан тупроғини ардоқлаш, унинг бойликларини ҳис қила билиш... бу —табиатнинг бизга берган беъмннат эҳсонидир.

Ҳа, ҳақиқатдан Ўзбекистон кенг имкониятларга эга бўлган мамлакат. Хар бир нарсадан омиқкорлик билан фойдалансақ, келажакда буюк давлатга эга бўлаемиз. Президент Исрол Каримов сиёсий шахс сифатида инсон ва оламни жуда мукамал тушунади ва илмий мушоҳада қилади.

Айниқса, Самарқанд ва Навоий вилоятларининг навабдан ташқари сессияларида сузлаган нутқларида адолатпарвар давлат бошлиғи эканлиги ёрқин намоён бўлди. Мустақилликнинг саккизинчи йилли сари шахдам қадам ташлаб бормоқдамиз. Исрол Каримов мамлакатни жаҳон давлатчилиги тарихида қўлла-нилган янги услубда бошқармоқдаки, бу ҳам мамлакат ривожланиши учун дунёнинг турли минтақалари билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ҳамкорлик қилиш истиқболларини очиб берди. У жаҳон сиёсат майдонида тарихий шахс сифатида ҳам, сиёсий арбоб сифатида ҳам «Йўлчи юлдуз» сингари чарақлаб чиқди. Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкили минбаридан туриб сузлаган нутқлари бутун дунё халқларни томонидан эътироф этилди. Ўзбекининг жарангдор овозини бутун жаҳон тинглади. Жаҳон минбаридан туриб инсоният тақдирига, табиат экологиясига, дунёвий муомоларга доир ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилишда давлат раҳбарлари узаро ҳамкорлик йўллари излаш кераклигини бир неча бор таъкидлаган эди.

Президент Исрол Каримовнинг сунги йилларда ёзган йирик асарларидан бири «Ўзбекистон XXI аср бусағасида», деб аталади.

Мухаммадҷон ҲУМОҶОВ, тарихчи олим, сиёсатшунос.

Партия ахбороти

РАЁСАТ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия Сийёсий Кенгашининг ўтган йилги ишлари ҳақидаги ахборот ва партиянинг ички ҳаётига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши биринчи қотиби Турғунпўлат Даминов мамлакатимиздаги янгиликларнинг партия ташкилотларининг иштирокини фаоллаштириш тўғрисида гапирди, йиғилиш қатнашчиларини «Адолат» СДПнинг 1999 йилги иш режаси билан таъинлади.

Кўн тартибига кирган масалалар буйича партия Сийёсий Кенгашининг иккинчи қотиби Абдували Гуломмаҳмудов, Сийёсий Кенгаш қотиблари Улугбек Донёров, Анвар Жўрабоев ва партия Сийёсий Кенгаши аъзоси Муътабар Содиковча сузга чиқиди.

Раёсат йиғилишида партия Сийёсий Кенгаши аъзолари, вилоят партия кенгашларининг қотиблари қатнашдилар.

Гулнора РАҲИМОВА, «Адолат» мухбири.

Акссодо

ХОТИРА — ҚАЛБАДАГИ ҲАЙКАЛДИР

Халқимиз ўзининг буюк фарзандлари, Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган ўғлонлари номи, жасоратини алоҳида ҳурмат билан ёдга олади. Уларнинг матонатини хотирамизда абадий сақлаемиз. Шу маънода Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда барпо этилаётган Хотира майдони миллат фидоиларининг муқаддас ёдига мустақил давлатимизнинг ҳаётига айланаётгани эътиборга моликдир.

Кўрбощимиз Исрол Каримовнинг яқинда илгари сўрган муҳим бир тақлифи — яъни, 9 майни мустақил давлатимизда «Хотира ва қадрлаш кўни» деб эълон қилиш нияти ҳаммаимизни ҳаяжонга солади. Ҳақиқатдан ҳам бундай улғур кўн мустақил давлатимиз учун жуда ҳам муҳим ва қолбасира, инсон хотирасига ёдга олиниб, қадри улугланади.

Ҳар бир узоқ тарихимизда халқимизнинг жуда кўп номдори фарзандлари ўтишган. Уларни соҳама-соҳа, ном-ном санаб ўтмоқчи эмасман. Аммо бир нарсани жуда жуда айтишимиз керак: «Хотира ва қадрлаш кўни» уларнинг ҳам номлари ёдга олиниб, руҳлари шод этилса, 9 май Ватан озодлиги, халқ раванқи ва юрт истиқлолиги йўлида жон фидо этганларнинг ҳам байрамга айланса, бу кўн кенг куламанда нишонланса айни мўлдат бўлар эди. Зеро, тарихта, азиз сиёсатларнинг муқаддас хотирасига ҳурмат-эътибор порлоқ келажакнинг гаровидир.

Мўмин АЗИЗОВ, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Шаҳрисабз туман Кенгашининг биринчи қотиби.

Италия Президенти Оскар Луис Скальфаро қисқа амалий таширф билан Украинага келди.

Канада Бош вазири Жан Кретъен Киевга таширф буюрди. Унинг Украина Президенти Леонид Кучма билан амалий учрашувлари бўлиб ўтди. Учрашувлар чоғида бир қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилган.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннанин ГАРБий Европа мамлакатлари бўйлаб таширфи доирасида Бельгияга расмий таширф бошланди. У Бельгия Кирилло Альберт II томонидан қабул қилинади, мамлакат ва парламент раҳбарлари билан учрашади.

Иордания Подшохи Хусайн қўшимча тиббий текширувдан ўтиш учун АКШга келди. Маълумки, Иорданияда тахт ворисини ўзгартириш тўғрисидаги декрет чиқарилди. Хусайн ўзининг кичик укаси Хасанин тахт ворисидан маҳрум этди ва катта ўғли Абдуллуани тахт ворисига деб эълон қилди.

Москвада Россия, Қозғистон ва АКШ Бойқунгр космодромидан йўлдошларни учуриш тўғрисидаги битимни имзоландилар.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги расни Кнут Воллбек ҳамда америкалик юкори мартабали икки дипломатини Югославия Президенти Слободан Милошевич билан учрашуви самараси яқунланди.

Москванинг Манеж майдонида «Ички ва деҳқон» ҳайкали очилди.



Пловдив шаҳри Болгариянинг халқаро туристик маркази сифатида ҳам ном таратган.

Гибевандлик туркман жамятининг «хасталиги»га айланди, у тахликала бўлиб бормоқда, деб баёнот берди Туркманистон Президенти Сапармурод Нйёзов. У ҳуқуқ-тартиб тозуилmalarини мавжуд вазият ўзасидан назоратни қучайтиришга даъват этди.

Арманистон, Болгария, Кипр, Россия, Словения ва Украина алоқа воситалари вакиллари Корда деңизи тубидан учувчи 1,5 минг километр узунликдаги оптик кабелни ўтказиш тўғрисидаги битимни имзоланди.

АКШ ва Буюк Британия авиацияси Ироқ ҳужубидаги Басра шаҳрининг турар жой мавзеларини ўққа тутди. Халок бўлганлар ва жароҳатланганлар бор.

Расмий маълумотларга қараганда, 1999 йилнинг январига келиб Украинадаги ишчиларнинг сони 1 миллион 3 минг кишини ташкил қилди. Уларнинг ярмидан зиёдини авблар ташкил этди.

Яқинда Венесуэла Президенти этиб сайланган Уго Чавес бу лавозимни бажаришга 2 февралдан эътиборан расман киришди.

Молдова қуролли қўчаларининг сони қарийб учдан бир миқдорга қисқартирилди. Аскарларнинг хизмат муддати эса бир ярим йилдан то бир йилгача қамайтирилди. Армения ислон қилиш бўйича концепцияда ана шундай дейилади.

Колумбияда қучли элзилла бўлди. Вайронгарчиликлар ва қурбон бўлганлар бор. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда элзилла тўғрисида миңдан зиёд киши ҳайдатан кўз олган.

Австрия Альпларда қоз берган автомобиль фалокати оқибатида 18 нафар венгер ўқучилари ҳалок бўлди ва 30 дан зиёди жароҳатланди.

Мексиканинги собиқ Президент Карлос Салинас де Гортариани акси Раул Салинас де Гортари 50 йил қадим ҳазасига ҳукми қилди. У 1994 йили мамлакатда ҳукмрон мавқаяга эга бўлган инқилобий партиянинг буюк қотиби Руис Масъони ўлдирдишда иштирок этгани учун шундай жазага лойиқ кўрилди.

Бутунжаҳон божхона ташкилоти ва Ўзбекистон

Утган қисқа вақт ичиде миллий божхона тизимининг мавқонин жаҳон талаблари даражасига кўтариш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йилнинг 28 июлида «Божхона ҳамкорлиги кенгаши» тўғрисидаги Конвенцияга аъзо бўлган, Бутунжаҳон божхона ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилиш имконияти туғилди. 1995 йилда эса Бутунжаҳон божхона ташкилотининг Сийёсий комиссиясига аъзо этилди. Айни вақтда Республикаимиз бир қатор халқаро транспорт ва божхона соҳасидаги Конвенцияларнинг ҳам аъзоси ҳисобланади.

Жаҳон божхона ташкилоти Техник қўмитаси, Сийёсий Кенгаши сессиялари ва бошқа турли хил маслаҳат йиғилишларида иштирок этишлари амалий соҳадаги ҳамкорлигимизнинг баъзи қирраларини ташкил этди. Масалан, утган қисқа давр ичиде Ўзбекистон божхона тизимининг йўлга қўйиш масалалари келишиб олинмоқда.

Масалан, ББТ Сийёсий Комиссиясининг 36-сессияси чоғида Ўзбекистон делегацияси ва ББТ Бош қотиби жаноб Жеймс Шавер уртасида бўлиб утган учрашувини олайлик. Бу учрашувда жаноб Шавер-

Нидерландия божхона ташкилотларида малака ошириб қайтидилар. Утган йилнинг июнь ойида Бутунжаҳон божхона ташкилотининг Мароқашда утказилган 91-92-сессиялари ишида ҳам ДБК вакиллари фалат қатнашдилар.

Божхона соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш буйича ББТ Дастури доирасида бу ташкилотнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида ташкил этилган ўқув машғулотларида бир неча вакилларимиз ҳам турли йўналишлар буйича тахсил олиб, суңгра Япония ва

Бутунжаҳон божхона ташкилоти доирасидаги ҳамкорликдан қўзғалган асосий мақсад — жаҳондаги илгор тажрибаларни жорий этиш, уни халқаро талаб ва андозалар даражасига кўтаришдан иборат. Бунинг учун божхонаимизнинг ҳуқуқий асосларини бу борадаги халқаро конвенция ва мейёрларга мос келиши талаб этилади.

Биз ана шундай тегишли қонун ҳужжатлари — «Божхона Кодекси», «Бож таъриф тўғрисида» ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунларнинг лойиҳасини тайёрлаб, уларни ББТ экспертларига тақдим этган эдик. Бу ҳужжатлар тажрибали экспертлар томонидан чуқур таҳлил этилди, зарур ўзгаришлар киритилди. Ушбу қонунларнинг қабул қилиниб, амалда қўлланилаётганига ҳам анча вақт ўтди, лекин мана шу давр ичиде бирор-бир чет давлатлардан ушбу қонунларимиз буйича ҳеч қандай эътироз тушмади. Мана шу ҳолатнинг узайиб қўнунларимизнинг жаҳон талаблари даражасида эканлигини, ривожланган мамлакатлар божхона қонунчилигига мос равишда иш олиб боришга ҳаракат қилватганимиздан дарак беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси вакилларининг Бутун-

26 нафар ходими ББТнинг турли йўналишлардаги бўлимлари иштирокидаги 18 та мажлисида қатнашдилар.

Ана шундай тадбирлар чоғида қўллаб-қўллаб хорижий божхона ташкилотларининг вакиллари билан учрашувлар бўлиб, унда миллий божхона тизимини ривожлантириш, узаро фойдаланиш ҳамкорлиги ва алоқаларни таширфи ва унинг иштирокида уйғунлашган тизим ва божхона хизматини автоматлаштириш масалаларига бағишланган анжуман уюштиришга келишиб олинди. Бу анжуманда шунингдек, республикаимизнинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига киришида зарур қўмак бериш масалалари ҳам атрофлича муҳожама этилди.



Абдумўмин ТИЛОВОВ, Ўзбекистон Республикаси ДБК Матбуот бўлими бошлиғи.

КАВОХАТ УЯСИ

Ёки ота-она, маҳалла-кўй назоратидан четда қолган йигитларнинг даҳшатли қилмишларию аччиқ қисматлари ҳусусида

Қадим замонда бир ўғри бадавлат кимсанинг уйини ўмариб, эгасини ўлдириб қўйибди. Бу жинояти учун уни ўлим жазосига мубтало қилишибди. Шунда ундан:
— Улимнинг олдидан сўнгги тилагинг нима? — деб сўрашибди.
— Онамни кўришни истайман, — депти ўғри.
Онасини чақиртиришибди. Ўғри:
— Отажон, умрим адоғига етиб қолди. Видолашув олдидан тилингизни чиқаринг, бир ўпай, — дебди.
Онаизор ўглининг сўзларига ишониб, тилини чиқарибди. Бироқ ноқобил фарзанд онаининг тилини ўпиш баҳонасида тишлаб узиб олибди. Аёл оҳ тортди ерга йиқилибди. Ўғридан бу ноҳужа қилигининг сабабини сўраганларида у:

тароқ бўлгач Николай хонадон соҳибни Леонид Пантелевга:

— Леонид, менинг бир «ишқа» ишим бор. Шунинча бажариш керак, — деди.
— Нима экан у?
— Бир авлининг жасадини майдалаш керак! Эполасаними? Хизмат ҳақинга юз доллар берамиз! Ситдиковдан долларни олган Леонид, уни қайтариб бергиси келмади. Унга ичига арра ва қулқоплар солинган сумкани тўтқашиди. Николай билан Леонид Юнусовдага — Зенкованинг уйига жўнашди. Ичкарига киришганида Лидиянинг мурдаси хона уртасида ётарди. Устига одевля, бошига сафалан қозғ ёпилган. Аллақандай қўланса хўдга чидаш мушкуллигидан Николай ташқарига чиқиб кетди. Леонид қулқопни кийиб, аррани қўлга олди. «Қоссоб-ликни қўйилмақом қилиб бажаргач, ташқарига чиқиб Николайга:

— Хаммаси тайёр! — деди.
— Унда кетдик!
— Энди, — деди Дмитрий Тохирга, — ваъда қилган юз АҚШ долларини чўзин!
— Ие, нималар дейсан, хумпар! Ҳали мурданинг асосий қисми уйда турибдиқ. Уни ҳам саранжомлаб олсак, ушандан кейин бераман хизмат ҳақингни!
— Ундай бўлса, мен уйишдан чиқдим! Бу ёғига мурда ташшини бас қиламан!
— Энди кеч, галварс! Агар бордию қўлга тушиб қолсан, барибир сени ҳам тортаман!

Дмитрий ноилоҳ Тохир билан яна учрашишга сўз бериб, хайралашди. Бироқ Тохир икки-уч кун «йўқолиб» қолди. Ниҳоят яна икковларини қўйиб қўйди. Улар Зенкова уйи яқинига келиб тўхташди. Тохир:

— Дмитрий, бор, уйнинг атрофини бир айланиб, еси олиб кел. Тагин миллионерлар пойлаб турган бўлмасин!

Дмитрий Тохирнинг айтганини қилди.

— Хамма ёқ осойишта, хужайин!

Баногоҳ улар Дмитрийнинг синфдоши Геннадий Игнатевга рубару келиб қолди. Игнатев уларни гаражлари томон бошлади. Гаражни қургач Тохир Геннадийга:

— Бир каттагина сумкам бор. Агар шуни гаражнда сақлаб берсанг 50 АҚШ доллари чўзардим, — деб қолди.

Бу гап Геннадийга мойдек ёқди. Икковлон сумканинг икки томонидан даст қўтариб гаражга олиб тушди.

Тохир ва Николай хизмат ҳақиға 500 сум беришди. Аммо мурда эгалари Эртас кунига ҳам келишмади. Сабаби бу пайтда Тохир Зенкованинг уйи яқинларини олиб кетишга тайёрлаши лозим эди.

Ниҳоят қўтилар Геннадийнинг ишончасига бориб, сумкани бир ўз гумдон қилиши кераклигини айтишди. Геннадий рад этди. Шунда қўтилар унга уқришибди:

— Агар сумкадагини йўқотмасанг, узинг ҳам худди ушанақа ҳолатда сумкага жойланасан!

Геннадий миқ этолмай қолди. Негаки каттақон сумка ҳамон унинг гаражидан турарди.

Соат кечки уч бирларда ишдан қайтган гараж соҳиб не қиларини билмай, тун бўйи уйлаб мижҳа қўқмай тонг отишини пойлади. Сабаби иш вақти охирида боравтган бир пайтда қўтилар яна келиб, эртасига эрталаб сумкада «оқон» бир-галикда бир ёқлик қилишга ваъда беришган эди-да!

Ниҳот тун атрофдан қора чойшабини йиғиштириди. Қўш чикиб гув сумкадаги авлининг жисмини кўрмоқчи бўлгандай, заррин нуралини гараж тешикларидан ичкарига ёборди. Геннадийнинг эса тоқати тоқ. У сумканинг эгаларини кутарди. Аммо соат унга яқинлашса ҳам улардан дарак бўлмади. Сабри қолмагач тагин ишига кетди. Кечки пайт эса «Москва 407» ни минди-да Дмитрийни қидириб унинг уйига борди. У ердан излаган кишинини тополмагач, унинг уқриши Италлийни олиб гаражга қайтди. Икковлон сумкани олиб машинага юклашди, рулни «Зенит» заводи томонга қараб буришди. Осойишта, қўздан пана жойга етишгач эса сумкани астагина сувга думалатишди.

Эртасига Ситдиқов билан Белоглазов марҳуманинг уйини «супуриб» қишқига боришди. Аммо ниятларига етолмай доғда қолди.

Прокуратура ва ички ишлар органлари ходимларидан тузилган тажрибали тергов гуруҳининг бир ёқдан бош чиқариб изчиллик билан кечани-кеча, кундузни-кундуз демай қилган машаққатли меҳнатлари ниҳоят ўз самарасини берди. Зенкованинг қўтилари ва бу ишга алоқадор бўлган бошқа жиноятчиларнинг қиңғир ишлари фож этилди. Барча жиноятчилар, шу жумладан Ситдиқов ва Белоглазов ҳам ушланиб ҳибсга олинди.

Суд қўтиларнинг вилигини инобатга олган ҳолда, уларга жазо тайинлади. Т. Ситдиқовни 20 йилга, Н. Белоглазов ва Д. Смотровларни 15 йилдан озоқликдан маҳрум этди. Шунингдек бошқа жиноятчилар ҳам тегишларини олинди.

Энди дуппини бошдан олиб қўйиб мулоҳаза қилдик. Хўш, нега ҳали ун гулдидан биттиса ҳам очилмаган бу йигитлар бу қадар даҳшатли жиноятларга қўл уриб, қисматлари шунчалик авилчи бўлди? Гап шундаки, улар жуда вилликларида ота-оналарининг назоратларидан чиқиб кетишди. Николай Белоглазов каби куча-қўйларда дейдишди. Узагаларнинг уйлариди яшиб юриб, жиноятчи унсурларнинг таъсирига тушиб қолдишди. Ҳатто узагалар мулкни уйларга қўйиб маълум бўлгандин кейин ҳам на ота-оналари, на маҳалла йиллариди парво қилмашди. Аксична гоҳ қонириб юборишди, гоҳ «хали вш-да» деб эркалатишди. Натигада жиноятлари учун жазо мўқарар эканлигини англаб етишмади. Бошқалар ризиқ-насибасига чанг солишдан ҳасар қилишмаганди бўлиб ўсишди. Оқибати эса юқориди баён қилганимиздек фожеа билан ақун топди.

Хурматли муштарий! Шу билан оддий ўғрилликдан даҳшатли ва ваҳишна қотилликкача бўлган ҳақиқат мақоламизга нўқта қўямизда, «Эй одамлар! Фарзандларингизни асраг!» Уларни бир дақиқа бўлса ҳам назоратдан четда қолдирманг», Фақат ўз фарзандларингизнигина эмас, қўни-қўшини, ҳаммақалларингизнигина болаларига ҳам қўзқулқоб бўлинг, уларнинг тақдирига лоқайд қараманг! Шундай қилинганда, ҳў кимнинг бошига мақоламиз деб очасида баён қилган ривоятимиздаги ўғри ва қотил Николайнинг оналари каби аччиқ қисмат тушмайди» деб бонг урамиз. Сизчи, сиз нима дейсиз бу ҳақда, азиз муштарий?

О. ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жиноятларни тергов қилиш устидан назорат бўлими бошлиғи, Адлия катта маслаҳатчиси,
Мурод КАЮНХОН,
журналист.



Меҳнат қилган эзда азиз, доғди доно халқимиз. Зеро, ишлаган, ерга меҳрини, кучкуватини бағишлаган одам янги ютуқларга йўл очиб беради. Самарқанд вилоятининг Поيارик туманидаги «Навбахор» жамоа ҳўжалиги аъзолари ҳам бу ҳимматга амал қилишиб, кам бўлиш-

мапти. Улар мўл пахта ҳосили ва бошқа кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Жамоада орларни шўдгорлаш ишлари аллақанда тўталган. Мавжуд 705 гектар майдон сифатли шўдгордан чиқарилиб, янги мавсумга ҳозирлаб қўйилди.

СўРАТДА: ҳўжалик раҳбари Мамарайим Қўлашов хайдовчи Назрулло Мансуров билан янги мавсумга ҳозирлаб қўйилган майдонни кўздан кечирмоқда.

МАНЗИЛИМ КЎЗЛАГАЙМАН...

Гоҳ яқин, гоҳ олисдан бахтимни излагайман, Узни сенлаб гоҳида, дардларим сизлагайман. Гоҳо қолиб беимкон ўқингда бўзлагайман — Уқларда нигоҳим: манзилим кўзлагайман, манзилим кўзлагайман. Йўқ, қўямасман эътиқод — на мактовга, на шонга, Юрагимни бешафкат кимдир олар нишонга... Қолса ҳамки лаҳзалар, дўстларим, сўнгги онга — Оламни тутмас оҳим: манзилим кўзлагайман, манзилим кўзлагайман. Яхшиямки, ҳаётда кўп яхши одамлар бор, Эзгуликка жон тиккан — гул ҳаёл бодомлар бор. Ҳар лаҳзаси бир ҳайкал бунёд этган дамлар бор — Ишонч — ёлғиз Оллоҳим: манзилим кўзлагайман, манзилим кўзлагайман.

Кўк белбоғи — камалак товганиши турфа хил, Боғи асло кўкармас боғбон бўлса гар бахил. Ҳаёт каби боқийдир ҳикмат тўла бу нақл — Ватан — сен чаман-боғим: манзилим кўзлагайман, манзилим кўзлагайман. Сарҳадлардан нарида кимдир ҳамон бизга ёв, Тушар, бешак, жилвога мисоли мингчи бедов. Ҳақ йўлга ҳеч қачон бўла олмас улар гоъ — Халқим — буюк бир оқим: манзилим кўзлагайман, манзилим кўзлагайман. Кундуз учун, дўстларим, париваш тонг ибтидо, Яратш қудратига йўқдир асло интиҳо. Қалбда орзу оташи — нурдай эзгу мударо — Истикбол — қароргоҳим: манзилим кўзлагайман, манзилим кўзлагайман!!!

«ЕР КИМНИКИ? БЕЛИ ОҒРИГАННИКИ!»

(«Адолат», 1999 йил 15 январь)

НЕГА АВВАЛРОҚ ЎЙЛАШМАДИ?..
Севимли газетамизнинг 15 январь сониди босилган ушбу сарлавҳа остидаги мақолани ўқидими таажжубга ботдим. Наҳотки, «Меъмор» қорхонаси тadbirkorларининг қилган шунча меҳнатлари зоғега кетса? Улар яхши мақсад билан ҳеч ким фойдаланмай ётган ташландиқ жойни улаштирсалар, шаҳар ер фондида ер қўшалару уларнинг тайёр меҳнати махсулотига бошқа биров эга қилиб қолса? Қани бу ерда адолат?

қорхонасини ривожлантириб, халқимиз учун энг керакли қурилиш махсулотлари ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйган эдилар-ку? Газетада таъкидлангани каби, улаштирган ерини олиб қўйишса, қорхона раҳбари Тура Содиковнинг хорижлик ҳамкорлари олдидидаги нуфузи неча пуллик бўлади? Наҳотки шу ҳақда биров ўйлаб қурмади? Ахир бу аҳволда тadbirkorларнинг ҳафсаласи пир бўлади.

ИШОНЧ СЎНМАСИН
Газетанинг 15 январь сонидида «Ер кимники? Бели оғриганники!» мақоласини ўқиб, «Меъмор» қорхонаси тadbirkorлари учун ниҳоятда афсусландим. Ахир улар умид билан ташландиқ ерни улаштирган эдилар-ку! Уз

абдулла АҲМЕДОВ, Шайхонтоҳур тумани, «Қўрғонча-шқольний» берк кўчаси, 4-уй.

ТУРФА ОЛАМ

ИХТИРО УЧУН СУДГА
Америкалик иختирочи Дон Эпик самолёт микромоделдини яратиш устида кўп бош қотирди. Ниҳоят, узоқ излашлардан сўнг у қозғоздан илганинг катталигидек келадиган модель яратишга муваффақ бўлди.
Энди микромоделтини учуриш учун моторни қардан олиш керак, деган масала иختирочига тинчлик бермай қўйди. У бунинг ҳам йўлини топди.
Дон Эпик ҳар бир самолётта пашшани боғлаб қўя бошлади. Бироқ, синовини тезда тўхташига тўғри келди. Хайвонларни ҳимоя қилиш жамияти иختирочини судга берди.
ТУТУН УЧУН... БОЖ
Венгриянинг Эстергом шаҳри архивдан антиқа жуж-

лат топилди. Икки юз йиллик тарихга эга бўлган мазкур топилмада айрилишча, шаҳарда истиқомат қилиб, чекини билан шўгулланган ҳар бир одам чикарган тутунларни учун бож тулашга мажбур бўлган. Тупланган маблаг эса, ўт учуриш комиссиясини боқшига ишлатилган.
ҲАҚИҚАТ ТИКЛАНДИ
Американинг Шимолги Каролина штатидаги Шарлотта шаҳрида истиқомат қилаётган Карлос Эшби 1937 йилда қандайдир виқторинада голий чиққани учун махсус соғирин — олма пируги билан тақдирланган эди. Ушанда мусобақа ташкилотчиларининг сажийлиги тутиб кетиб, бу соғирани ҳар йили тулган кунда, то умрининг охиригача олади, деб эълон қилиб юборишди.
Соғира бир неча йилгача эгасига ўз вақтида етказиб турилди. Бироқ кейинчалик соғира берилмай, Эшби ҳақини та-

лаб қилиб тегишли ташкилотларга муржоат қилди. Ҳақиқат тикланди. У яна қонуний соғирани ола бошлади. Бунинг устига унга бир неча йилдан бери берилмай қолган пиругларни ҳам қўшиб топширишди.

ШТАТ ҚОНУНИГА КЎРА...
Австриянинг Квинсленд штатидаги полициячилари уларини итдан ҳам қадрсиз деб билимоқдалар. Чунки штат қонунига қўра, полициянинг жароҳатланган киши 200 доллар жариима тулаши вҳуд олти ой қамқоқ жаозасига ҳўм этилиши керак, холос.
Борди-ю, у хизмат итларини яраласа, 2 миң доллар жарима тулайди ёки икки йил озоқликдан маҳрум этилади. Бундан ташқари, қонунни бузган одам итти даволаш учун керакли чикими тулаши ҳам шарт.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

Мен болалигимда қўшнилариимизнинг товўқхоналаридан тўхум ўтирлаб келардим. Онам менга пишириб берарди. Буни қардан олдим, деб сўрамади. Бора-бора бу хил кичик ўғрилгим каттага айланди. Ниҳоят одам улдиришгача бориб етдим. Агар мана шу онам илк бор ўғрилги қилганимда қайтарганида эди, мен бу ҳолга тушмаган булар эдим. Шу сабабли ҳам ахли оламга ибрат бўлсин деб, онамга шу жазони лойиқ қўрдим, — деб жавоб берди.

Тошкентлик Николай Белоглазовнинг онаси Людмила Жданова ҳам худди шу ўғрининг онасига ўхшаб ўглини буш қўйди. У-бу нарсани ўғирлаб келса, уни сотиб пулга айлантириб берди. Лекин бирор жойда ишлаб маош олмайдиган ўғрининг бунақа бойликларини қардан топавтганлиги ҳақида жиддийроқ ўйлаб қўрмади, суриштирмади. Узоқни қўролмади, калтабинлик қилди. Оқибатда унинг ўғригиди баласи кўз қўриб, қулқоқ эшитмаган қотилликда иштирок этиб қўлга тушди ва оғир жазога мубтало бўлди.

Угли туғул ўзи ҳам бирор жойда ёлчишиб ишламавтган бу она «Олой» бозорига бориб, рўзгоридидаги ортиқча буюмларини сотиб юрди. Қўнларнинг бирида ўгли Николай «Жигули» машинасининг иккита баллонини дискиси билан олиб келди.

Мана бу баллонлар бир дўстимники, уни сойтиш керак!
Она ўғрининг ўғриллик қилиб бекиниб юрганни била туриб Николайнинг бу гапига юз фойиз «ишонди». Баллонларни «бозордоши» Валия орқали сотириб берди.

Орадан кўп ўтмай ўгли Зенкованинг уйини тарк этиб онасининг бошқа бир таниши — Валянинг уйида офтобда бирига қатиқ ичишган дусти Денис билан бирига яшай бошлади. Аммо орадан кўп ўтмай Валия Людмиланинг уйига сим қўйиб, Николай ҳолодлингини ўғирлаб кетганлигини хабар қилди. Суриштирса бу гап рост бўлиб чиқди. Аммо ҳар қандай одамнинг ҳам қўзи шоқосадек кенгайиб кетадиган бу воқеадан кейин ҳам онанинг гафлат босган қўзлари лоқал мошдек очилмади.

